

Ақийда дарслари (27-дарс). Иститоъат ва унинг турлари



13:30 / 01.04.2019 4623

«Амални вожиб қиладиган иститоъат махлуқни сифатлаб бўлмайдиган, у билан амал вожиб бўладиган тавфиқ каби амал асносида бўлади.

Аммо сиҳат-саломатлик, кенгчилик, имконият ва воситаларнинг етарли бўлишига боғлиқ иститоъат амалдан олдин бўлади. Хитоб (шариат буйруқлари) ана ўша иститоъатга қаратилгандир. Аллоҳ таоло: «Аллоҳ ҳеч бир жонга имкониятидан ташқари нарса юкلامас», деган.

Шарҳ: Билингки, «иститоъат», «тоқат», «қудрат» ва «имконият» бири-бирига маъноси жуда ҳам яқин лафзлардир. Уларнинг ҳар бири иккинчисининг ўрнида ишлатилаверади. Бу лафзларнинг барчаси Қуръони каримда келган:

مَسْكِينٍ طَعَامٌ فِدْيَةٌ يُطِيقُونَهُ الَّذِينَ وَعَلَى

1. «Уни (рўзани) қийналиб тутадиганлар зиммасида бир мискин таомича фидя бордир» (Бақара сураси, 184-оят).

وُسْعَهَا إِلَّا نَفْسًا اللَّهُ يُكَلِّفُ لَا

2. «Аллоҳ ҳеч бир жонга имкониятидан ташқари нарса юкламас» (Бақара сураси, 286-оят).

أَسْتَطَعْتُمْ مَا اللَّهُ فَاَنْقُوا

3. «Аллоҳга қўлингиздан келганича тақво қилинг» (Тағобун сураси, 16-оят).

فِتْنَةً وَأَوْلَادُكُمْ أَمْوَالِكُمْ إِنَّمَا رَحِيمٌ غَفُورٌ

4. «Ҳа! Биз унинг бармоқ учларини ҳам асл ҳолига келтиришга қодирмиз» (Қиёмат сураси, 4-оят).

Иститоъат икки хил бўлади:

Биринчиси: Иш-ҳаракатдан олдинги иститоъат.

Бу сиҳат-саломатлик, имконият, кенгчилик ва воситаларнинг етарли бўлишидан иборатдир. Шаръий ҳукмлар (таклифлар), амр ва наҳийлар

ҳамда уларни тарк қилганлик учун бериладиган жазолар мана шу иститоъатга боғлиқдир. (Яъни ушбу иститоъат бор бўлса, инсоннинг зиммасига шариат ҳукмларини бажариш мажбурияти юкланади).

Далил:

سَبِيلًا إِلَيْهِ أَسْتَطَاعَ مِنَ الْبَيْتِ حِجُّ النَّاسِ عَلَى وَ اللَّهِ

1. «Одамлардан йўлга қодир бўлганларига Аллоҳ учун Байтини ҳаж қилмоқ вожибдир» (Оли Имрон сураси, 97-оят).

Аллоҳ таоло ҳажни иститоъати бор кишиларга фарз қилди.

Яъни, соғлиги кўтарадиган, моддий имконияти бор ва ҳаж қилиш воситаларига эга бўлганларга фарз қилди.

Ана ўша нарсалардан бирортаси бўлмагани туфайли ҳаж қилмаган одамни Аллоҳ иқобга олмайди.

أَسْتَطَعْتُمْ مَا اللَّهُ فَانْقُوا

2. «Аллоҳга қўлингиздан келганича тақво қилинг» (Тағобун сураси, 16-оят).

Аллоҳ таоло инсонга иститоъати, яъни имкони, қудрати етганича тақво қилишни вожиб этди. Ким иститоъат бўлмагани учун тақво қила олмаса, гуноҳкор бўлмайди.

مَسْكِينًا سِتِّينَ فَاِطْعَامُ يَسْتَطِيعَ لَمْ فَمَنْ

3. «Бас, ким (рўза тутишга) қодир бўлмаса, олтмиш мискинни тўйдиришдир» (Мужодала сураси, 4-оят).

4. Аллоҳ таоло мунофиқлар хусусида:

مَعَكُمْ لَخَرَجْنَا سَتَطْعَنَا لَوِ

«Агар қодир бўлганимизда, албатта сиз билан чиқар эдик», деган гапларини келтирган (Тавба сураси, 42-оят).

Ушбу оятлардаги иститоъат – қодир бўлишдан мурод восита ва асбобларнинг саломат бўлиши ва мукаллафнинг имкони бўлишидир.

5. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Имрон ибн Хусойн розияллоҳу анҳуга: «Тик туриб ўқи. Агар қодир бўлмасанг, ўтириб, (бунга ҳам) қодир бўлмасанг, ёнбошлаб», деганлар (Бухорий ривоят қилган).

Бу ҳадисдаги иститоъат – қодир бўлиш ҳам сабаб ва воситаларнинг саломат бўлишидир.

Иккинчиси: Иш-ҳаракати мобайнида бўладиган иститоъат.

Бу иш-ҳаракитини бажариб, ўз зиммасидаги вожибни соқит қилиш имкониятига эга бўлишдан ибратдир.

Бунга далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятлари:

يُبْصِرُونَ كَانُوا وَمَا السَّمْعَ يَسْتَطِيعُونَ كَانُوا مَا ﴿٢٠﴾

1. «Улар эшитишга қодир бўла олмадилар ва кўра олмадилар ҳам»
(Ҳуд сураси, 20-оят).

Бундан мурод, иш бажариш имконлари йўқ эди. Сабаб ва воситалари бўлатуриб, кўриш ва эшитишни амалга оширишга қудратлари етмас эди.

2. Аллоҳ таолонинг Мусо алайҳиссалом қиссасидаги:

صَبْرًا مَعِيَ تَسْتَطِيعَ لَنْ إِنَّكَ ﴿٦٧﴾

«Албатта, сен мен билан бирга бўлишга сабр қила олмассан», деб солиҳ банданинг номидан айтиши (Каҳф сураси, 67-оят).

Бунда ҳам сабр қилиш мобайнида бўладиган қудратнинг ҳақиқати йўқлиги айтилмоқда. Сабаб ва воситаларнинг йўқлиги эмас. Чунки сабр асбоби ва воситалари Мусо алайҳиссаломда бор эди.

Иститоъатни иккига бўлиб, ўртача йўл тутиш Аҳли сунна вал жамоа оммасининг йўлидир.

Инсоннинг соғ-саломатлиги, қудрати, имконияти ҳамда сабаб ва воситаларнинг мавжудлигига боғлиқ иститоъат хитоб (шаръий буйруқлар) ва таклифларга боғлиқдир.

(давоми бор)

“Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар” китобидан